

МАДИНА АҲДНОМАСИ – ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Қ.Зоҳидов

Тарих фанлари номзоди, доцент
Yangi asr universiteti

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳижратдан сўнг Муҳаммад пайғамбар ﷺ ва Мадинада шаклланган тўрт асосий гуруҳ: муҳожир, ансор, яҳудий ва исломни қабул қилмаган араблар жамоаси ўртасида тузилган шартнома ҳақида сўз боради. Тарихда “Мадина конституцияси” номини олган ушбу аҳднома том маънода Мадинадаги муҳожирлар ва туб аҳоли ўртасида конституция вазифасини ўтаган.

Калит сўзлар: Мадина, Мадина аҳдномаси, Мадина конституцияси, Авс, Хазраж, бану Қайнуқоъ, бану Қурайза, бану Надир.

ABSTRACT

The article talks about the treaty between Prophet Muhammad ﷺ and the four main groups formed in Madinah after the Hijrah: Muhajir, Ansar, Jew and non-Islamic Arab community. This agreement, known in history as the "Constitution of Madinah", literally served as a constitution between the emigrants and the natives of Madinah.

Keywords: Madinah, Madinah agreement, Madinah constitution, Aws, Khazraj, banu Qaynuqa, banu Qurayza, banu Nadir.

КИРИШ

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ тарқок ҳолдаги, аниқ бир қонунни тан олмайдиган бадавий ҳаёт тарзини бошидан кечираётган қабилаларни умумий бир Мадина давлатига бирлаштириш борасида катта фаолият кўрсатди. Табиийки, у марказлашган давлатнинг исломий ҳукмларга асосланган ўзига хос қонунчилигини ҳам ишлаб чиқди ва амалиётга киритди. Ислом дини олға сурган ҳамма учун баб-баравар принциплар, миллатларнинг этник келиб чиқишига қарамай, дин олдида ҳамманинг тенг ҳуқуқлилиги пайғамбар олдида катта имкониятлар туғдирди. Натижада ислом байроғи остида бир неча араб қабилалари бирлашдилар. Муҳаммад пайғамбар ﷺ марказлашган Макка-Мадина давлатига асос солишида Мадинага ҳижрат қилиниши давлатчилик ривожига туб бурилиш ясади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Илмий иш объектини ташкил этган мазкур даврнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатларини ёритишдаги асосий муаммо тарихий асарларнинг фақат VIII-XI асрларда, яъни нисбатан кечроқ ёзилганлигидадир. VII аср воқеалари уларнинг шоҳидлари – ровийлар орқали етиб келган оғзаки ҳикоялар асосида баён этилади. Мазкур хабарлар аксарият ҳолларда уламолар ва турли диний фирқа - гуруҳ вакиллари томонидан жамланганлиги сабабли уларга ортикча диний ва субъектив талқин берилган.

Мазкур манбаларни таҳлил этишда уларнинг муаллифлари қайси диний гуруҳлар, ижтимоий табақаларга тегишли эканлигига алоҳида эътибор берилди. Турли муҳитлар (муржи'ийлар, умавийлар, шиалар, аббосийлар, хорижийлар ва бошқа ҳарбий-диний гуруҳлар)га мансуб муаллифлар томонидан яратилган манбалар ўртасидаги тафовутли маълумотларни қиёсий ўрганиш ҳақиқий воқеликни тиклашда катта аҳамиятга эга бўлди.

НАТИЖАЛАР

Муҳаммад пайғамбар ﷺ милодий 622 йили Йасрибга фақатгина пайғамбар сифатида кириб келган эди. Ўша даврда Йасрибда турли хил ҳаёт тарзига эга бўлган қабилалар тарқоқ ҳолатда кун кечирар ва у ягона бошқарув идорасига эга бўлмаган шаҳар ҳисобланар эди.

Манбаларда шаҳарнинг «Йасриб-يثرب» деб аталиши борасида турли маълумотлар мавжуд. Птолемей ўзининг «География»сида бу шаҳарни «Йатриппа», Византиялик Стефан эса «Йатриппа полис» (шаҳар-давлат) деб атаган [6:32-33]. Мадина шаҳри «Йасриб» номи билан Қуръонда ҳам зикр қилинади [1. 33:13]. Қуръонда учрайдиган шаҳарнинг янги «ал-Мадина المدينة» номи хижратдан сўнг пайдо бўлди.

Муҳаммад пайғамбар ﷺ Мадинага етиб келгач, муҳожирлар учун муҳолифатда бўлиши мумкин бўлган гуруҳлар билан шартнома тузиши, мусулмон жамоаси (умма – أمة)нинг хавфсизлигини таъминлаш билан бирга қабила ва уруғ бошлиқларидан сиёсий ва ҳарбий ҳокимиятни ўз қўлига олиш кўзда тутилди. Тадқиқотчилар О.Г. Большаков ва М.А. Усмонов ўз асарларида «Хижратдан сўнг Мадинада тўртта йирик – муҳожирлар, авсийлар, хазражийлар ва йаҳудийлар гуруҳи шаклана бошлади. Дастлабки даврда Муҳаммад пайғамбар ﷺ ташаббуси билан ҳар тўрт гуруҳ ўртасида бирдамликка эришиш учун аҳднома тузилиб, ёзма шаклда расмийлаштирилди», деган фикр мавжуд [4: 28; 2:92]. Шунингдек, тадқиқотчи Ҳасан Иброҳим Мадинада шаклланган гуруҳларнинг сонини ўрта қилиб белгилаган: 1. Муҳожирлар; 2. Араб қабилалари; 3. Йаҳудий қабилалари [5:124]. Аммо, тадқиқотчиларнинг бу фикрлари бир неча жиҳатдан ноаниқдир. Аввало, Мадинадаги араб қабилалари ал-Авс (الأوس) ва ал-Хазраж

(الخزرج) аҳолисининг ҳаммасини ислом динини қабул қилган, деб хулоса қилиб бўлмайди. Иккинчидан, нима учун ал-Авс ва ал-Хазраж қабиласи алоҳида-алоҳида зикр этилиб, Бану Қайниқо‘, Бану Қурайза, Бану Надир битта – «йаҳудийлар гуруҳи», деб зикр этилган? Учинчидан, ҳижратдан олдин ислом динини қабул қила бошлаган Мадинадаги гуруҳ – ансорлар ҳеч бир ерда зикр этилмаган. Шунингдек, Мадинада Муҳаммад пайғамбар ﷺ ташаббуси билан тузилган шартноманинг асл нусхасида: «Бисм Аллоҳ ар-Раҳмон ар-Роҳим, бу шартнома [Китоб] Муҳаммад пайғамбар ва Қурайшнинг ва Йасрибнинг Муъминлари ва мусулмонлари ўртасида ...», деб бошланган. Муаммо О.Г. Большаков шартноманинг асл нусхасидаги

«هذا كتاب من محمد النبي بين المؤمنين و المسلمين من قریش و يثرب»

жумласини «...между верующими и мусульманами курайшитами и <жителями>Йасриба...» [2:92-93], деб хато таржима қилиниши оқибатида келиб чиққан. Демак, ҳижратдан сўнг Мадинада муҳожирлар, ансорлар, араб (ал-Авс ва ал-Хазраж) қабилалари, йаҳудий (Бану Қайниқо‘, Бану Қурайза, Бану Надир) қабилаларидан иборат тўрт жамоа мавжуд бўлган.

Манбаларда [3:505] аҳднома (ас-саҳифа – الصحيفة) матни сақланиб қолган бўлиб, унинг асосий ғоялари шулардан иборат: Мазкур тўрт гуруҳ бир жамоадан иборат, улар бир куч сифатида жангга киради, асир тушганларни товон тўлаб, қайтариб олиш билан боғлиқ харажатларни ҳам ўртада қилади. Улар ўз ораларида ҳеч кимни қаровсиз қолдирмайдилар, муъминлар бир-бирларига қарам бўлган хизматчилар билан унинг эгаси розилигисиз аҳднома тузмайди. Муъминлар бир бўлиб, ҳар бир қонунбузар ва жинойтчиға қарши чиқади, ҳатто жинойт қилган одам улардан бирининг қариндоши бўлса ҳам, унинг тарафини олмайди. Барча муъминларнинг ҳимоячиси Аллоҳдир, муъминлар эса бир-бирларига ҳимоячидир. Ҳамма муъминлар жанг тўхтагач, душман билан тинчлик сулҳини бирга тузади. Биргаликда юришга чиққан қуролли гуруҳлар навбатма-навбат жангга кирадилар. Муъминлар ўлдирилган шахс учун бир-бирларидан товон ёки қасос олиш ҳуқуқига эгадирлар. Лекин қасос учун қон тўкмасдан, унинг ўрнига товон олиш маъқулроқдир. Ҳамма гуруҳлар ислом душманлари бўлган курайшийларға қарши курашади, ҳеч ким уларнинг на молини ва на жонини ҳимоя қилмаслиги керак. Бу аҳдномани бузган шахс Аллоҳнинг қаҳриға учрайди, унинг тавбаси қабул қилинмайди. Аҳдномада тилга олинган масалалар бўйича ихтилоф пайдо бўлса, улар буни ҳал қилиш учун Аллоҳға ва Муҳаммад пайғамбар ﷺға мурожаат қилишлари керак [3:505; 5:85-86; 4:5-6; 2:92-93].

О.Г. Большаковнинг фикрича, кейинроқ, ҳижратнинг биринчи йили мусулмон жамоасининг кўпгина араб қабилалари таркибига кирувчи ёки улар

билан иттифоқда бўлган йахудийлар ўртасида ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи шартнома ҳам имзоланди. Битим матни аввалгисига мансубдир. “Йахудийлар мусулмонлар уришаётганда харажатни баровар қоплайди; Бану Авф йахудийлари – уларнинг мавлолари ва ўз диндорлари билан бир жамоадир, (лекин) йахудийлар дини бошқа, мусулмонлар дини бошқадир; агар кимдир адолатсизлик ёки жиноят содир қилса, унинг ўзи ва оиласи айбдор саналади”. Кейинги ўринларда ана шу иборалар билан Бану Авф йахудийларининг айна шу ҳуқуқларга ишора қилинган ҳолда Бану ан-Нажжор, ал-Карис, Саъида, Жушам, ал-Авс ва Саълаба қабилалари йахудийлари санаб ўтилади. Улар мусулмонларга уларнинг душманларига қарши жангда ёрдам беришга даъват қилинганлар. Бироқ, Муҳаммад пайғамбар ﷺнинг рухсатсиз жангга кириш ҳуқуқига эга бўлмаганлар. Тахмин қилиш мумкинки, ана шундай шартлар йахудий қабилалари Бану Қайнуқоъ, Бану Надир ва Бану Қурайза билан тузилган шартномаларда қайд этилган. Лекин улар бизгача етиб келмаган, чунки Муҳаммад пайғамбар ﷺ мазкур қабилаларни Мадинадан чиқариб юборгандан кейин бу шартномаларини бекор қилган [2:94].

МУҲОКАМА

Таъкидлаш лозимки, шартнома имзоланаётган вақтда Пайғамбар ﷺ мусулмон ва йахудийларни гарчи ҳар қил динга эътиқод қилса ҳам бир жамоага мансуб диндорлар (ал-муъминун-المؤمنون) деб ҳисоблаган. Чунки, Муҳаммад пайғамбар ﷺ уларни Мусо пайғамбарга берилган аҳдга эътиқод қилишларига ишонар эди. Шартнома мазкур қоида аслийлигини исботлайди, чунки кейинги секталашувчиларни ҳеч бирининг хаёлига йахудийлар ва мусулмонларни бир жамоага киритиш тўғрисида фикр келмаган бўлар эди.

Муҳаммад пайғамбар ﷺ томонидан тузилган мазкур шартнома (ал-ҳилф-الحلف) Мадинадаги турли динларга эътиқод қилувчи қабилаларни сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга хизмат қилди. Шунингдек, ислом динини қабул қилган қabila ва уруғларнинг миллати ва ирқидан қатъий назар бир жамоа (умма)га бирлашиши Пайғамбар ﷺ олдида катта имкониятлар очди. Мазкур жамоа аъзолари ўртасидаги диний биродарлик эскидан мавжуд бўлган қондошлик алоқаларидан устун бўлди. Бу ўзаро ҳамкорлик ва кафолат принципларини ўрнатди. Жамоа диний-сиёсий характерга эга бўлиб, ҳар бир шахснинг жамоа олдида ўз ҳуқуқ ва бурчлари мавжуд эди. Йахудийлар жамоаси умумий манфаатларда мусулмонлар билан тенг бўлиб, ҳуқуқлар кафотланган эди.

ХУЛОСА

Бу шартномалар пухта ўйланган, сиёсий арбоб томонидан яратилган ҳужжатдир. У янги жамоанинг тузилишига эҳтиёткорлик билан билан ёндошди:

алоҳида қабилаларнинг аввалги алоқа ва мажбуриятлари сақлаб қолинди, маҳаллий йўлбошчиларнинг обрўси камситилмади. Қабилаларда юзага келган келишмовчиликларни фақат Муҳаммад пайғамбар ﷺ ҳал қилиш ҳуқуқига эга эди. Шу билан бирга сиёсий бирдамликнинг тамомила янги асослари вужудга келди: ташқи душманга бирдамлик билан курашиш ва жамоанинг барча аъзоларини ҳимоя қилиш; жиноятчининг фақат ўзи жавобгарлиги; бу уни қабилла ҳимоясидан маҳрум қилиб, воҳадаги вазиятни узоқ вақт кескинлаштириб келган қабилалар ўртасидаги урушларга чек қўяр эди.

Муҳаммад пайғамбар ﷺ нинг Мадина аҳолиси билан тузган шартномаси "Мадина конституцияси"¹ – вазифасини ўтай бошлади.

VII аср бошидаги ижтимоий тараққиёт даражасига кўра, мазкур аҳднома ўз даври учун ғоят муҳим тарихий ҳужжат эканлигини эътироф этиш мумкин. Ушбу шартнома муҳожирлар билан Мадинадаги мавжуд қабилалар орасини бирлаштириш, турли низоларни қонуний ва тинч йўл билан ҳал қилишда муҳим рол ўйнади. Мазкур ҳужжат Ўасрибда мусулмонлар мавқеини мустаҳкамлаш ва уларнинг сафини кенгайтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Пайғамбар ﷺ барча мусулмонлар томонидан ягона диний, сиёсий ва ҳарбий йўлбошчи сифатида эътироф этилгач, у турли қабилаларни ягона жамоа доирасида бирлаштирди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Қуръони карим.
2. Большаков О.Г. (1989) История Халифата. Наука.
3. Ибн Ҳишом. (1993) ас-Сира ан-набавийа. Байрут.
4. Усмонов М. (1992) Қуръони карим ва жаноби Расулуллоҳнинг амаллари. Тошкент.
5. Ҳасан Иброҳим Ҳасан. (1996) Та'рих ал-ислом ас-сийосий ва-д-диний ва-с-сақофий ва-л-ижтимо'ий. Байрут.
6. Ҳасанов А. (1992) Макка ва Мадина тарихи. Меҳнат.
7. Зоҳидов Қ. (2022) Илк араб халифалиги даврида дунёвийлик принципларининг мувозанати. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 02 (12), 632-638.
8. Зоҳидов Қ. (2023) Ибн Исҳоқ–сийрашунослик жанри асосчиси. *Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities*, 02 (01), 114-116.

¹ Муҳаммад Ҳамидуллоҳ бу шартномани «Инсоният тарихидаги биринчи конституция», – деб атаган.